



«ТАСДИКЛАЙМАН»
«Навий нефт базаси» МЧЖ директори
О.Р.Хасанов
«04» «04» 2022 й

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ


Танлов ҳужжатининг мазмуни: "Навий нефт базаси" МЧЖ ва унинг филиалларида
ISO 14001 ва ISO 45001 халқаро стандартларини тадбиқ этиш мақсадида.

Танлов предмети ва умумий маълумотлар

1. **Танлов предмети:** "Навоий нефт базаси" МЧЖ ва унинг филиалларида ISO 14001 ва ISO 45001 халқаро стандартларини тадбиқ этиш мақсадида.
2. Хизмат кўрсатувчилар (кейинги ўринларда "Хизмат кўрсатувчи" деб юритилади) буюртмачи томонидан "**E-tender.uzex.uz**" электрон порталига жойлаштирилган эълонга мувофиқ танлов "Навоий нефт базаси" МЧЖнинг давлат харидлари бўйича ишчи гуруҳи томонидан электрон платформа орқали ўтказилади.
3. Танлов таклифлари "**E-tender.uzex.uz**" электрон портали орқали чиқарилган лот рақами билан белгиланган эълонга мувофиқ электрон ҳолда қабул қилинади.
4. Танловнинг бошланғич қиймати жамият ММ ва ХТ бўйича етакчи мутахассис томонидан ишлаб чиқилган 31.03.2022 йилдаги 01-09/217-сонли хизмат кўрсатиш аризасига мувофиқ "Навоий нефт базаси" МЧЖ ва унинг филиалларида **ISO 14001 ва ISO 45001** халқаро стандартларини тадбиқ этиш ишларини бажариш учун бошланғич нарҳи 65 000 000 (Олтмиш беш миллион) сўм этиб белгиланиб. Хизмат кўрсатувчи ва буюртмачи ўртасида узаро тузилган шартнома шартларига асосан ҳисоб китоблар пул кўчириш йўли билан бошланғич 15 % тулов, қолган 85 % тулов бажарилган иш бўйича далолатнома ва сўм фактурада кўрсатиб ўтилган сўммага мувофиқ амалга оширилади. Иш ҳажмини бажариш муддати бошланғич аванс тулов амалга оширилган кундан бошлаб хизмат кўрсатиш муддати 2 (икки) ой давомида бажарилиши лозим.
5. Хизмат кўрсатувчилар томонидан электрон танлов да иштирок этиш учун тижорат таклифлари (таклиф хатлар) давлат тилида киритилади.
6. Танлов иштирокчиларига танлов ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтириш ишлари эълон матни жойлаштирилган кундан эътиборан "**E-tender.uzex.uz**" электрон портали томонидан автоматик тарзда белгиланган кунгача тушунтириш ишлари амалга оширилади.
7. Танлов хизмат кўрсатувчилари битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.
8. Танлов хизмат кўрсатувчилари тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.
9. Танловга таклифларни қабул қилиш "**E-tender.uzex.uz**" порталда чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.
10. Танлов бўйича тақдим этилган таклиф хатларини "Навоий нефт базаси" МЧЖ танлов ва харидлар бўйича ишчи гуруҳи ҳамда фаолият йуналиши бўйича таклиф тегишли мутахассислар томонидан танлов ўтказилади ва ишчи гуруҳ қарорига асосан голиб ташкилот аниқланиб, танлов баённомасида (голиб чиққан ташкилот номи ва таклиф хати бўйича берилган хизмат кўрсатиш маблағ миқдори) қарор қисмида кўрсатиб ўтилади.
11. Танловга голиб чиққан хўжалик юритувчи субъект билан узаро томонлар келишувига кура шартнома порталга бириктирилган шартнома лойиҳасига асосан ва икки томонлама (ташкилот раҳбари имзоси ва муҳри орқали) тасдиқланади.
12. Танловда иштирок этадиган ташкилотлари томонидан қўйидаги тегишли ҳужжатлари талаб этилади.
 - Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувоҳнома нусхаси.
 - Мазкур соҳада мутахассис ходимлар тўғрисида маълумотнома.
 - "Ўзбекнефтегаз" АЖ тизимидаги камида 5 та корхона ташкилотларда бажарилган ишлар тўғрисида маълумот.
13. Танлов ҳужжатларида белгиланган мезонлар ўта муҳим қийматга эга бўлиб. Бунда танлов таклифининг белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчини электрон танловнинг ҳар қандай босқичида четлатилиши мумкин.

Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигида жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

1. Ишчи гуруҳ раиси:
Директорнинг биринчи ўринбосари - Бош муҳандис



Ғ.Пўлатов


2. Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари:
Иқтисодиёт ва маркетинг бўйича директор ўринбосари



Ғ.Саломов


3. Аъзолари:

Бош бухгалтер




М.Тўреав

Нефтбаза, филиаллар, АЁҚШ ва ФЁТШлардан
фойдаланиш, қурилиш ва моддий-техник таъминот
бўлими бошлиғи



И.Бўронов

ММ ва ХТ бўйича етакчи муҳассис



Ғ.Тошев